

ЯНГИБОЙ ҚЎЧҚОРОВ

НАЗАР ОТАНИНГ НАСАБИ

(ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА)

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси мукофоти лауреати,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист Янгибой Қўчқоров-
нинг янги ҳужжатли қиссаси қадимий ва навқирон Тўрткўл замини-
нинг камтарин, обрўли оқсоқолларидан бири Назар Машарипов та-
валлудининг 85 йиллигига, унинг ибратли ҳаёти ҳамда мазмунли меҳ-
нат фаолиятига, бу ажойиб инсоннинг наслу насаби, оға-инилари,
фарзандлари, замондошларига бағишланган.

Тақризчи:

Эркин МАДРАҲИМОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм
вилоят бўлими масъул котиби, Қорақалпоғистонда
хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир

ISBN 978-9943-08-380-6

© Қўчқоров Янгибой, Назар отанинг насаби (ҳужжатли қисса).
«Янги аср авлоди» нашриёти, 2009 йил.

*Қил яхшилик – яхшиликни билгай бу дунё,
Пойдор эрур ул яхшилик туфайли танҳо.
Мол қолди-ку ҳаммадан, сендан ҳам қолур,
Бахил молни қолдиргайдир, яхшиликни доно.*

Жалолоддин РУМИЙ

*Хоразми қазсангиз агар,
Ер остидан дарёлар чиқар.
Хоразми қазсангиз агар,
Ер остидан дунёлар чиқар.*

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Ривоят қилишларича жасур, мард, оқил Жалолоддин Мангубердига қуролсозликда бетакрор мактабларга эга Исфаҳоннинг тенги йўқ усталари соф пўлатдан ясаган энг кескир қилични ҳада қилганларида Хоразмшоҳ дастасига пирлар нафаси сингган Султонувайс тоғининг нилий фирузасидан безак ишланган бу мўъжизага ҳавас билан боқиб:

– Буни ясаган устанинг отаси ҳам, ўзи ҳам юз йил яшасин, Оллоҳ онасига ҳам боқий умр берсин. Қўли гул экан. Минг афсуским, тиғи бу қиличнинг тиғидан ҳам минг бора кескир бир қилич бор-да...

Вазирлар, лашкарбошилар шоҳга савол назари билан қараб қолишади. Хукмдор ўзининг туғёнга тўла юраги каби тўлғаниб оқаётган Аму тўлқинларига кўз тикиб бир муддат жим қолибди-да:

– Тил! – дебди алам билан. – Тилимиз! – деб такрорлабди ёғий исканжасида, олов қуршовида қолган Урганж тарафларга бир дунё дард билан қараб.

– Тил тошда гул ундириши, тоғни талқон қилиши, энг ёмони юракка жароҳат солиши мумкин! – дебди учинчи бора султон тилида ҳам, дилида ҳам ёвузларга бош эгмаган донишманд Кубро ҳазратларининг қатъият ва иймон нури ёғилиб турган чеҳрасини кўз олдида келтириб...

Бу ривоятни Машариф оғага Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Қурбонбой Халике-

ев мулла Нуриммат бободан қолган ажойиб боғдан анжир егани келганида айтиб берди. 1940 йилнинг ёзи. Асрнинг ўнинчи, йигирманчи, ўттизинчи йилларидаги очарчилик даҳшатлари маълум маънода ортда қолган бўлса-да ҳали меҳнаткаш халқнинг ҳаёти у қадар силлиқ кечиби, у қадар равон ўзанга тушиб кетган эмас. Аммо бу йил боғ-роғларнинг юки ларзон, айниқса, анжирзорлар мўл мева тугди. Кунгурали ҳовли олдидаги юз йиллик гужум соясига «Виллис» машинаси келиб тўхтаганида оға хиёл шошиб қолди. Ахир уч йилдан бери мухтор республикадаги энг юқори лавозим курсида ўтирган бу камтарин, камсуқум, ақлли, очиққўнгил инсон учун Тўртқўл, Тахтақўпир, Томдидаги, Шўраҳон, Шаббоз, Шайхомондаги ҳар қандай хонадоннинг эшиги очиқ, ҳар ким ҳам «обқўм»нинг биринчи котибини меҳмон қилишни, топган-тутганини дастурхонга қўйишни шараф деб билмайдими? Шундай. Аммо Машариф оғанинг сезишича, саркотиб ҳамма ерга ҳам бораверадиган арбоб эмас.

КИТОБХОН УЧУН МАЪЛУМОТ:

Қурбонбой ХАЛИКЕЕВ (1905-1976) Шўраҳон уездининг Тўртқўл қишлоғида туғилган. Аввал Хива олий партия мактабида, кейин Ўрта Осиё коммунистик университетида ўқиган. Турли йилларда Тўртқўл, Куйбишев, Хўжайли, Нарпай туман партия қўмиталарининг биринчи котиби, 1938-1941 йилларда Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, 1938-1940 йилларда Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раиси лавозимларида ишлаган. Кейинчалик Қозоғистонда масъул вазифаларда фаолият кўрсатган.

Машинадан тушиб боғ сари келаётган эл раҳбари ҳам айнан шу хусусда ўй суриб келмоқда эди. Зеро Қ.Халикеевдан олдин ушбу вазифада ишлаган 5 кишидан фақат Пётр Варламов қорақалпоқ ўлкасида қонли қамчисини ўйнатган ОГПУ бошлиғи Александр Белоногов билан бирга сувдан қуруқ чиқиб кетган, пировардида Қарағандада саркотиб бўлиб даврон сурган, қолган тўрт давлат арбобининг қис-

мати қалампирдан ҳам аччиқ бўлган, Т.Чурбанов партиядан ўчирилган, Оллоёр Дўсназаров, Абиу Қудабоев ва Ислом Алиевларнинг боши шўро кундасига қўйилган эди. Айниқса Оллоёр Дўсназаров билан Ислом Алиев Қурбонбой учун ардоқли оға ҳамда мурувватли устозлар эдилар. Оллоёр оға одамнинг олови эди. Қорақалпоққа мухторият мақомини олиб бериш учун у қайси эшикларга бош урмади, кимлар билан ёқа йиртишмади, дейсиз. Кремлга бориб Сиёсий бюро аъзоларига қорақалпоқнинг куйларини чалиб, «Бузатау»ини куйлаб берди. Ҳатто қорақалпоқ дуторининг, ўтовининг ўзгачалиklarини бирма-бир кўрсатди. Охири уларни кўндириб, Амударё(Қорақалпоқ) мухтор вилоятининг чегараларини белгилашга навбат етганида хариташуносларни аввал отда, сўнгра туяда қум ичидан шимол томонга бошлаб бораверди. Аввал отлар, кейин туялар юролма қолди. Оллоёр оға эса юраверди. Йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Пировардида ҳолдан тойиб йиқилганида бор кучи билан чўғирмасини Ёйиқ тарафга, бир вақтлари князь Бекович-Черкасский, генерал Перовскийлар истило мақсадида келган томонга отди. Мажоли йўқ чоғида ҳам қорақалпоқ учун тўрт метр қўшимча ер «ундирди» (Минг афсуским, сўнгги нафасида унга бу бепоён даштларнинг лоақал икки қулоч тупроғи буюрмади). У ўта ақлли, ниҳоятда қайсар одам эди. Большовойлар эса ўзларидан ақлли одамларни ёқтиришмасди. Оллоёрни «халқлар отаси»нинг жини суявермаган. Буни имо-ишора билан аввал «малакали заҳаршунос» Генрих Ягода билан бўйи бир қарич бўлса ҳам қизил террор ойболтасини маҳкам ушлаган Коля Ежовга англади. Кейин Лаврентий Берияга ўз она тилида тушунтирди. «Сосо» айтдимиз, тамом, «Салла ол!» деса, калласини олиш керак. Айтишларича Оллоёр оға Арбатда сосиска еб ўтирганида Карл Радек билан танишиб қолибди. Радек ундан:

– Александр Сергеевич Пушкин йигирманчи асрда туғилганида нима бўлар эди? – деб сўрабди.

– Всё равно был бы великим поэтом! (Барибир буюк шоир бўлган бўлар эди!) – жавоб берибди Дўсназаров рус тилида.

– Билмадинг, – деб шивирлабди Радек. – Барибир ўтгиз еттинчи йили отиларди!

Большовой раҳбарлар ичида энг журъатлиси Пятаков бўлган, у Дўсназаровга «Бориб Орол денгизида оддий ба-лиқчи бўлганинда бошинг омон қолармиди!» деб хитоб қилган дейишади. «Если каракалпакский народ и меня поставите на весы, будет видно что Алляяр всего лишь одна песчинка перед этой нацией. Конечно меня оставили бы в покое. А для этого я должен продать свой родной народ, своих родных и друзей. Я на это мёрзкое дело никогда не пойду пока бьёт моё сердце (Агар қорақалпоқ халқи ва мени бир тарозига қўйсангиз, Оллоёрнинг бу миллат олдида оддий қум зарраси экани кўринади. Албатта мени тинч қўйишлари мумкин. Аммо мен бунинг учун ўз халқимни, ота-онам, қариндош-уруғ ва дўстларимни сотишим керак. Токи юрагим уриб турар экан, бу жирканч ишга рози бўлмайман!)! Агар бу афсона рост бўлса ўша Пятаковнинг салкам пайғамбар эканлигини кейинчалик вақт исботлаб берди. Қорақалпоқ мақолларидан бирида «Қулоннинг бошига кун туғса қулунига қарамайди» дейилади. О.Дўсназаровнинг бошига қандай кун туғса ҳам у ўз эътиқодидан, қорақалпоқнинг ор-номусини ҳимоя қилишдан тоймади. Бу ботир инсон ҳақида ўйласангиз, қорақалпоқ халқининг «Ов йигити бошқа, дов йигити бошқа, ёв йигити бошқа» деган яна бир ҳикматли ибораси ёдга келади. («Сосо» - «Коба» - «Дядюшка Джо» - Иосиф Жугашвили - Сталин бир Оллоёр Дўсназаров эмас, М.Султон-Галиев, Б.Мдивани, А.Икромов, А.Раҳимбоев, Е.Чаренц, Қ.Отабоев, С.Чихладзе, С.Сегизбоев ва бошқа маҳаллий миллат вакилларида униб-ўсган юзлаб давлат арбобларининг бошига қора кунларни солган эди).

КИТОБХОН УЧУН МАЪЛУМОТ:

Оллоёр ДЎСНАЗАРОВ (1906-1937) 1896 йили Чимбой уездининг Кўкўзак волостида туғилган. 1918-1921 йилларда Қизил армия таркибида хизмат қилган. 1921 йилдан Москвада Шарқ халқлари коммунистик университети тингловчиси, 1922 йилдан Қўнғирот волост партия қўмитасининг, 1924

йилдан Амударё вилоят партия ташкилий бюросининг масъул котиби, 1926 йилдан ВКП(б) олий партия дорилфунуни тингловчиси, 1930 йилдан Бошқирдистон вилоят партия комиссияси раиси, 1932 йилдан Москвадаги «Металлист» заводи директори бўлиб ишлаган. 1937 йилнинг 8 декабрида Ленинград вилоят НКВД ҳузуридаги «учлик» қарорига биноан отиб ташланган. 1968 йилнинг 27 сентябрида тўла оқланган.

Табарруқ қорақалпоқ тупроғига бир қанча миллат фарзандларининг манглай тери тўкилган. Ўзи Ҳазор соҳилида туғилиб-ўсган бўлса ҳам Ислом Алиев Оролбўйи равнақи учун жонини тикди. Қурбонбой биринчи марта бу киши ҳақида Хива партия мактабида ўқиб юрганида эшитган эди. 1928 йили Қ.Халикеев Ўрта Осиё Коммунистик университетини битириб келганида И.Алиев Шаббоз туман партия қўмитасининг биринчи котиби эди. Тўрткўлда, сиёсий ўқиш машғулотларида ёнма-ён ўтириб қолишди. Ўша куниёқ ошқатиқ бўлиб олишди. Бир ойдан кейин Ислом оға обкомга, Варламовнинг ҳузурига кириб:

– Пётр Иванович! Халикеева дайте мне вторым секретарём. Он очень подходит к этой должности. Скромный, грамотный член партии! (Халикеевни менга иккинчи котиб қилиб беринг. У ана шу лавозимга ўта лойиқ. Партиянинг камтар, саводли аъзоси!) – дейди. Варламов зарда билан:

– С каких пор Вы стали решать за первого секретаря обкома? Вроде ещё не было пленума обкома партии, где бы меня освободили от занимаемой должности. К тому же ещё Вы не избраны первым секретарём обкома. Давно знаю то, что Вы метите на моё место! (Қачондан бери Сиз вилоят партия қўмитаси биринчи котибига алоқадор масалаларни ҳал қиладиган бўлиб қолдингиз? Янглишмасам, мени лавозимимдан бўшатишга бағишланган пленум бўлгани йўқ. Қолаверса ҳали сиз обкомнинг биринчи котиби бўлиб сайланмадингиз. Кўп вақтдан бери менинг ўрнимга кўз олайтириб юргангиздан хабардорман) – дейди. Ислом Содиқ ўғли Алиев Варламовнинг кабинетидан мулзам бўлиб чиқиб кетади.

Ислом Алиевнинг юраги отнинг калласидек эди: Оллоёр Дўсназаров Москвадаги Шарқ халқлари Коммунистик университетида ўқиб юриб, таътилга келганида кейинги 4 йилда 4 марта ишдан бўшатирилган, 2 марта партиядан ўчирилган сафдошига Бийбозордаги овлоқ масканда бир пиёла чой беради. Ушбу камтарона дастурхон атрофида Оллоёр оға, Ислом Алиев, Қурбонбой Халикеев ва шаббозлик навқирон раҳбар кадр Нурулла Ишимбетов бор эди. Балиқ шўрвани ичиб, қовурилган икки қашғалдоқни тановул қилаётганларида Ислом Содиқович:

– Петро жўрангиз Қурбонбойнинг Шаббозда ишлашига қаршилиқ қилди! – деди.

– Шайтон унинг жўраси бўлсин! – деди Оллоёр оға. – У занғар мендан азроилдан қўрққандек қўрқади. Не қилиб бўлса ҳам мени Қорақалпоғистондан олисда тутишнинг пайида. Қурбонбой тўғрисида қисинма: агар манглайнингга ёзилган бўлса ўзинг обкомга, биринчи котиб курсисига ўтирсанг яхшироқ иш берарсан!

– Шу ишимдан айрилиб қолмасам эди...

– Бошингга тушса, бола, қирғовул солинган палов ҳам еяверасан. Қаерда бўлсанг ҳам халқни ўйла. Бизнинг халққа биринчи навбатда ер билан сув керак. Бу тўғрида Ажиниёз охун нима деганини биласанми?

Оллоёр оға паст овозда (ҳатто шу тўқайда ҳам ОГПУнинг «қулоқ»лари туронгул орқасида бекиниб туришгани эҳтимолдан ҳоли эмас эди), лекин юрак-юракдан чиқариб «Бўзатау»ни куйлади. Кетаётиб:

– Менинг тилим бошимга бало бўлишини биламан. Бироқ бошимга қилич келса ҳам тўғрисини айтишга мажбурман. Аллоҳ мени шундай яратган!

– Яхши ният қилаверинг, оға! – деди Нурулла Ишимбетов Дўсназаров учун ҳозирланган фазтонга тўрт дона қовун, икки дона дудланган сазан солар экан.

– Насибада борини кўрамиз, Нуруллавой. Комсомоллар ичида сенинг ишларинг менга маъқул. Лекин улар орасида ҳам айрим ўзини сипо тутганлар борки, Варламовнинг этигини тили билан тозалашга тайёр турибдилар. Ўшалардан

эхтиёт бўл. Улар оқ сут берган онаси човлиқ(невара – муаллиф изоҳи)ларига айтган алланинг ичида «доҳий»га қарши сўз йўқмикан, деб қулоқларини динг тутадилар. Айтганча, йўли бу ёқларга тушса қадрдоним Қаландар Адинаевга салом айтинглар. Биз бугун бир вақтлари ана шу жўрам ялангоёқ ўсган овулдан нон-туз тотдик. У мендан бир ёш кичик бўлса ҳам биздан 2-3 йил олдин Амударё вилоят партия қўмитасининг масъул котиби бўлди, Кейин Хоразм компартиясини бошқарди. Орамиздан ана шу Қаландар 1924 йилнинг январиди Лениннинг жанозасига қатнашди. Энди эса насибасини Қизилўрда томонлардан чўплаб юрибди. Ишқилиб олтин боши омон бўлсин. Дўстимни асрашимиз керак. Фақат бағритош Белоноговдан эмас, уларнинг ялоқхўрлари бўлган ўзимизнинг сотқинларимиздан ҳам асрашимиз лозим. Кўпинча болтанинг сопи... – шивирлади О. Дўсназаров. – ...Сталинники бўлгани билан дастаси ўзимиздан ясалмоқда. Кимлар «даста»ликка шай эканини аввалдан билиб, ақл билан иш кўрмасанглар, ўзларингга қийин бўлади. Бир вақтлари Бегли охун менга «Манов Скалов деганинг жаман одамга ўхшамайди. Ўзимизникилар бир-бирининг гўштини ейишга тайёр туришганида ўси ўрис бизларнинг бошимизни қовуштиришга уринмоқда!» деган эди. Биласизларми, йўқми, 1920 йилнинг баҳорида Георгий Скалов бошига сиртмоқ тушай деб турган Коля Шайдаковни қўллаб-қувватлаган эди. Бўлмаса Коля бечора Родионов билан бирга отилиб кетарди. Мен улар билан бирга жанг қилганман. Томирлари қандай уришини билганман. Бизнинг қорақалпоқда «Пўлат пўлатни тешмайди!» деган нақл бор. Атрофингизга юраги тоза одамларни йиғинглар. Иккиюзламачилардан, «ёзғувчи»лардан, ҳасадгўйлардан, фитна ва фирибни касб қилиб олганлардан, билиб-билмай, англаб-англамай ана шу муттаҳамларнинг ноғорасига ўйнаётган лақмалардан йироқ бўлинглар. Оллоҳнинг ўзи уларнинг жазосини бериб, Сизларни паноҳида омон-эсон асрасин!

Мана, орадан анча йил ўтиб Қурбонбой Машариф оғанинг боғи олдида ўша кунни, Ислом Алиевни, Оллоёр Дўсназаровни эслаб турибди. Дарвоқе, Ислом Алиев отилиб кет-

ганидан кейин Халикеев Оллоҳдан устози ўтирган кабинетдан насиба бермасликни илтижо қилиб сўраган эди. Озгина фурсат Квачёв ишлади-да, барибир биринчи котиблик Қурбонбойнинг гарданига тушди. Яхшиямки Ислом оға ўз вақтида уни Куйбишев ва Хўжайли туманларига биринчи котиб қилиб йўллаган, тажриба «тегирмони»дан ўтказган экан.

Бир фурсат хаёл оғушида қолган Қурбонбой Халикеев ўзига пешвоз чиққан Машариф оғани бағрига босиб:

– Ассалому алайкум, ота! – деди.

– Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу, эй Қурбонбой! – деди Машариф ота юзлари ёришиб, иккови бир-бири билан самимий сўраша кетди. Уй соҳиби саркотибни боғ соясидаги кигиз, қалин кўрпачалар тўшалган, бахмал болишлар қўйилган сўрига бошлади.

– Омин. Қадам етди, бало етмасин. Оллоҳ ҳамма вақт йўлингни очиб қўйсин. Хуш кўрдик. Келмай кетганингга ҳам минг ой бўлдими, дейман!

– Анча вақт бўлгани рост.

Шу пайт биринчи котиб билан хонадон соҳиби ўтирган сўрига ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги хушсурат, сипо йигит мис обдаста, оппоқ сочиқ билан яқинлашиб:

– Ассалому алайкум! Хуш келибсиз! – деди.

– Ва алайкум ассалом. Иби, Назарбой ҳам кап-катта йигит бўлиб қолибдими? Бир бошини икки қилса ҳам бўлаверар, энди?!

Ўсмир меҳмоннинг қўлига сув қуяр экан, шолғомдек қизариб кетди. Сочиқни бериб шитоб билан чой, нон опкелгани кетди.

Бироздан сўнг ўсмир аввал икки патир, икки дона зоғора, чой, кейин бир сават янги узилган олтиндек сап-сариқ анжир кўтариб келди-да, аввал саломлашган бўлса ҳам яна бир бор:

– Ассалому алайкум! Яхши келдингизми! – деди тавозеъ билан.

– Бахтли бўлинг! – деди Қ.Халикеев ўсмирга синчков нигоҳ билан боқиб, отасидан сўради. – Назарбойни қайси касбу корнинг эгаси қилишни кўзлайсиз?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1723> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1723> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1723>